



ЎЗБЕКИСТОНДА АКЦИЗ СОЛИФИ МАМУРЧИЛИГИ ҲАМДА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ

Эшматов Сроржиддин Тогаймуродович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009000873851574

Eshmatov_st@mail.ru

Аннотация. Мақолада акциз тўланадиган солиқлар акциз тўланадиган маҳсулотлар нархига киритилади ва шу тариқа яқуний истеъмолчиларга ўтказилади. Шу билан бирга, акциз солиғи миқдори солиққа тортиладиган товарлар нархлари даражасини сезиларли даражада белгилайди, шунингдек, истеъмол талабига таъсир қиласиди. Акциз солиғи давлат даромадларини шакллантиришда ва муайян товар ва хизматлар истеъмолини тартибга солишида муҳим рол ўйнайди. Ушбу мақолада акциз солиғи маъмуриятчилиги бўйича мавжуд адабиётлар қўриб чиқилади, илғор халқаро тажрибалардан хуносалар олинади. Унда назорат механизmlарини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган, асосий эътибор солиқ органларида сиёсат ислоҳотлари, технологик интеграция ва салоҳиятни оширишга қаратилган.

Калим сўзлар: маъмурият, қийинчиликлар, самарасизлик, мувофиқлик, даромадларни оптималлаштириш, тартибга солиш натижалари, солиқлар ва солиққа тортиш, эгри солиқлар, акциз солиғи, акцизости маҳсулотлар, акцизости товарларни солиққа тортиш амалиёти.

АДМИНИСТРИРОВАНИЕ АКЦИЗНОГО НАЛОГА И ЕГО ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ В УЗБЕКИСТАНЕ

Эшматов Сроржиддин Тогаймуродович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье указано, что акцизы включаются в цену подакцизных товаров и таким образом перекладываются на конечных потребителей. При этом сумма акциза существенно определяет уровень цен на облагаемые налогом товары, а также влияет на потребительский спрос. Акцизный налог играет важную роль в формировании доходов государства и регулировании потребления отдельных товаров и услуг. В данной статье рассмотрена существующая литература по администрированию акцизного налога, сделаны выводы из передового международного опыта. Он определяет основные направления совершенствования механизмов контроля, основной упор делается на реформирование политики, технологическую интеграцию и наращивание потенциала налоговых органов.

Ключевые слова: администрирование, трудности, неэффективность, соблюдение требований, оптимизация доходов, результаты регулирования, налоги и налогообложение, косвенные налоги, акциз, подакцизные товары, практика налогообложения подакцизных товаров.

EXCISE TAX ADMINISTRATION AND ITS ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN

Eshmatov Srojiddin Toghaymurodovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. The article states that excise taxes are included in the price of excise goods and thus passed on to final consumers. At the same time, the amount of excise tax significantly determines the price level of taxed goods, and also affects consumer demand. Excise tax plays an important role in the formation of state revenues and regulation of consumption of certain goods and services. This article reviews the existing literature on excise tax administration, draws conclusions from international best practices. It defines the main directions of improvement of control mechanisms, the main focus is on policy reforms, technological integration and capacity building in tax authorities.

Keywords: administration, difficulties, inefficiency, compliance, revenue optimization, regulatory results, taxes and taxation, indirect taxes, excise tax, excise goods, practice of taxation of excise goods.

Кириш.

Мамлакатимизда солиқقا тортиш тизими ва солиқ маъмурчилигини, шу жумладан, акциз солиғини ундириш механизмини такомилаштириш масалалари бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. Мустақилликка эришганимиздан кейин 1992 йилдан, республикамизда акциз солиғи илк бора жорий қилинганда бери, доимий равишда уни ундиришнинг мақсадлилиги, миқдори, товарларнинг импортида, шу жумладан, МДҲ давлатларидан, ҳамда солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиби бўйича баҳсли мунозаралар олиб борилмоқда. Шу сабабли, республикамизда акциз солиғини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ҳамда шу аснода баҳсли масалалар ечимини ишлаб чиқиш билвосита солиқقا тортиш ва солиқ маъмурчилигининг назарий омиллари ҳамда жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш ва таҳлил этиш нуқтаи назаридан олиб қарагандагина мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар шарҳи.

Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиқقا тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади.

Каширинанинг (2017) фикрича, акциз солиғи тизими мураккаб ҳисобланади. Акциз солиғи ва алкоголь махсулотларнинг муомаласини назорат қилиш муаммоси мавжуд, чунки уларни сотиш ҳажми ноқонуний ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўламига тўғри келади ва катта миқдордаги маблағлар давлат бюджетидан ташқарида муомалада бўлади. Муаммонинг ечими алкоголь махсулотлар ишлаб чиқаришда назоратни кучайтириш ва акциз тизимида етарли солиқ солинадиган базани яратиш учун шарт-шароит яратиш бўлиши мумкин.

Делипалла (2009) томонидан “акциз солиғи билвосита солиқларнинг таркибий қисмларидан биридир. 1976 йилдаги Акцизлар тўғрисидаги қонуннинг 6-бўлимида кўрсатилганидек, Малайзияга ва маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга импорт қилинадиган акциз солиғи. Бу бож давлат истеъмоли ёки ижтимоий муҳандислик тенденциясини ўзгартириш механизми сифатида ишлатилади. Акциз солиғи тўғрисидаги актда мажбурий бўлган товарларга спиртли ичимликлар, тамаки, сигареталар, сигареталар, тўрт ғилдиракли ҳайдовчилар, кўп мақсадли транспорт воситалари ва ўйин карталари киради”.

Гилес, Теддс (2002) томонидан контрабанда фаолиятини солиқ органидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида амалга ошириладиган қонуний ёки ноқонуний,

бозор ёки бозордан ташқари барча операциялар деб таърифлаган. Билвосита солиқларни тўлашдан бўйин товлаш кўпинча контрабанда, айниқса божхона тарифлари бўйича жиноятлар билан боғлиқ. Контрабанда жиноятлари ембарго, маҳсулот сифати ва квоталар каби пул ва пул бўлмаган даромадларга таъсир қиласди.

Ҳаи ва Се (2011) томонидан солиқ тўловларига қасддан ёки қасддан жалб қилинган компаниялар, жисмоний шахслар иштирокидаги ўлчовлар бўйича дуч келган қийинчиликлар туфайли мос келмаслик бўйича тадқиқот олиб боришидди. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда асосий эътибор солиқ тўловчи сифатида импорт қилувчилар ўртасида акциз солиғини бажармаслик ҳодисаси ва омиллариға қаратилган.

Бундан ташқари, француз иқтисодчиси Джамалов (2021) таъкидлаб ўтган эди: “Акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир”.

Боровко (2012) фикрича, “ҳозирги замон солиқ сиёсатининг истиқболли йўналиши ва концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлашдир”.

Тегетаева (2016) фикрича, “акциз солиғи эгри солиқ таркибиға кирсада, ҳозирда унинг асосий аҳамияти аҳоли ижтимоий истеъмолининг ҳолати ва истиқболини баҳолаш мезони эканлигидадир”.

Троянская ва Низамиевалар (2013) таъкидлашича, “бильвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида акциз солиғидан истеъмолни тартибга соловчи ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш имкониятларини яратиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир”.

Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили “акциз солиғининг зарурлиги” тушунчаси моҳиятини тушунишга уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди. Мамлакатимиз солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларимиздан Э.Гадоев, Т.Маликовларни ҳам мисол келтириш мумкин. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида акцизости товарларни солиққа тортиш амалиёти ҳамда акциз солиғи маъмуриятчилиги мавзуси жуда кам ўрганилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини самарали бошқаришда креатив ёндашувларнинг амалий аҳамиятини ёритиш бўйича илмий хуносалар берилди.

Таҳлил ва натижалар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин 1992 йилдан, республикамиизда акциз солиғи илк бора жорий қилинганда бери, доимий равишда уни ундиришнинг мақсадлилиги, миқдори, товарларнинг импортида, шу жумладан, МДҲ давлатларидан, ҳамда солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиби бўйича баҳсли мунозаралар олиб борилмоқда. Шу сабабли, республикамиизда акциз солиғини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ҳамда шу аснода баҳсли масалалар ечимини ишлаб чиқиши билвосита солиққа тортиш ва солиқ маъмурчилигининг назарий омиллари ҳамда жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш ва таҳлил этиш нуқтаи назаридан олиб қарагандагина мақсаддага мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга акциз солиғи ҳозирги қунда жаҳон солиққа тортиш амалиётида мувафақиятли қўлланилмоқда. Акциз солиғининг қадим даврлардан ҳозирги қунга қадар бу даражада кенг тарқалишининг асосий сабаби,

фискаллигининг аҳамияти ва йиғувчанлик даражасининг юқорилигидир. Бу ҳақда, ҳатто 1666 йилда француз иқтисодчиси Ф.Дәмәзон таъкидлаб ўтган эди: “акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир” (Малов, 1191). Шунинг учун бугунги кунда, акциз солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш республикамиизда солиқ органлари олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Солиқ кодексининг 283-модда. Солиқ тўловчилар.



Акциз солиғини тўловчилар (бундан бўён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидаги шахслар эътироф этилади:



1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;



2) табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар;



3) бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни газ тўлдириш станциялари ва газ тўлдириш пунктлари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ оловчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади;



4) оддий ширкат иштирокчиси бўлган, оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган акциз тўланадиган товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият бўйича оддий ширкат ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс;



5) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали акциз тўланадиган товарларни олиб ўтувчилар. Божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ мазкур шахслар солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.



Қуйидагилар ҳам солиқ тўловчилар деб эътироф этилади:



1) телекоммуникация мобил алоқа хизматларини (акциз тўланадиган хизматларни) кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;



2) Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари.



Солиқ кодексининг 284-модда. Солиқ солиш обьекти.



Акциз солиғи (бундан бўён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солинадиган обьектлар қуйидагилардан иборат:



1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан акциз тўланадиган товарларни бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериш:



товарга бўлган мулк хуқуқини бериш;



гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга кўювчи томонидан бериш;



акциз тўланадиган товарларни бепул бериш;

 акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобидан бериш;

 2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида ёхуд оддий ширкат шартномаси (биргалиқдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида бериш;

 3) акциз тўланадиган товарларни:

 а) иштирокчига (муассисга) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд юридик шахсда иштирок этиш улуши камайганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг бир қисми) қайтариб сотиб олинганда иштирокчига бериш;

 б) юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинган тақдирда акциядорга бериш;

 в) юридик шахсни тугатишда акциядорга ёки иштирокчига бериш;

 4) акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсули бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайtариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулқдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш;

 5) акциз тўланадиган товарлардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

 6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кириш;

 7) бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

 8) акциз тўланадиган хизматлар кўрсатиш;

 9) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг бузилиши, йўқотилиши, бундан фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган ҳоллар мустасно. Айбор томонидан товарнинг қиймати суғурта орқали тўланган ёки унинг ўрни қопланган тақдирда, акциз солиғи суғурта орқали тўлаш (ўрнини қоплаш) улушида тўланади.

Солиқ кодекси 285-модда. Солиқ базаси

 Солиқ базаси белгиланган солиқ ставкаларига қараб акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

 Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солиқ ставкалари мутлақ (қатъий) суммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

 Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

 Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқарилган дивиденdlар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси ушбу модданинг [иккинчи](#) ва [учинчи қисмларида](#) белгиланган тартибда аниқланади.

 Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади.

 Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, агар ушбу модданинг [иккинчи](#) ва [учинчи қисмларида](#) бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

 Четдан олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади.

 Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

 Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

 Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган ҳажми солиқ базаси ҳисобланади.

Солиқ кодекси 286-модда. Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) доир солиқ солинадиган операциялар амалга ошириладиган сана.

 Ушбу Кодекснинг [242-моддасида](#) тегишли операциялар учун назарда тутилган сана акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган сана ҳисобланади.

 Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солиш операцияларини амалга ошириш санаси уларни божхонанинг импорт тартиб-таомилидан чиқариш санаси ҳисобланади.

Солиқ кодекси 287-модда. Солиқ базасига тузатиш киритиш.



Солиқ базасига тузатиш киритиш ушбу Кодекснинг [257-моддасида](#) назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади.

Солиқ кодекси 288-модда. Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш.



288-модда. Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш.

Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборатdir:



1) экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб беришга доир контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);



2) товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;



3) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар;



4) чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма.



Товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар экспорт режимига чиқарилган қундан эътиборан бир юз саксон календарь қуни ичидан келиб тушмаган тақдирда, товарларни экспортга реализация қилиш солиқ солишининг обьекти деб эътироф этилади.



Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинган тақдирда экспортни тасдиқлаш учун комитетент (топшириқ берувчи) томонидан солиқ тўловчининг воситачи ёки ишончли вакил билан тузилган воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси) қўшимча равишда тақдим этилади.

Солиқ кодекси 289-модда. Солиқ ставкалари.



Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (қатъий белгиланган), шунингдек адвалор ва қатъий белгиланган солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставкада белгиланади.

289-модда. Тамаки маҳсулотларига доир солиқ ставкалари.



Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:



Ушбу модда [биринчи қисмининг](#) 1-бандида акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси натура ифодаланган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солиғининг адвалор солиқ ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан қўлланилади. Товар импортида адвалор солиқ ставкаси божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланадиган божхона қийматига нисбатан қўлланилади.

 Ушбу модда биринчи қисмининг 3 — 6-бандларида солиқ ставкаси тамаки маҳсулотидаги тамаки хом ашёси массасига нисбатан тамаки хом ашёси массаси түғрисидаги ахборотни истеъмол қадофида (идишда) кўрсатиш шарти билан қўлланилади. Агар чилим учун тамаки бўйича тамаки хом ашёси массаси нетто оғирлигининг 20 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, у ҳолда акциз солиғи нетто оғирлигининг 20 фоизидан ҳисоблаб чиқарилади. Истеъмол қадофида (идишида) тамаки хом ашёсининг оғирлиги түғрисида ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади.

 Ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида солиқ ставкаси товарнинг нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади, бунда истеъмол қадофининг (пластик банканинг, картон қутисининг ва шу қабиларнинг) оғирлиги ҳисобга олинмайди. Истеъмол қадофида (идишида) товарнинг оғирлиги түғрисида маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси истеъмол қадофини (идишини) ҳисобга олган ҳолда нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи бўйича белгиланган 17 181,4 млрд сўмлик прогноз 15 132,9 млрд сўмга (2 048,5 млрд сўмга ёки 11,9 фоизга кам) таъминланган.

2023 йилда акциз солиғи тўловчиси 4 596 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 5 таси солиқ ҳисботларини тақдим этмаган. Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 31.12.2023 йил ҳолатига 206,3 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (274,2 млрд сўм) нисбатан 67,9 млрд сўмга камайган, йил давомида 28,5 млрд сўм (13,8 фоиз) умидсиз солиқ қарзлари (шундан 28,4 млрд сўми банкротлик асосида) ҳисобдан чиқарилган. Ортиқча тўланган солиқ суммаси 31.12.2023 йил ҳолатига 468,0 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (119,7 млрд сўм) нисбатан 348,3 млрд сўмга ошган.

Йил давомида 16 656,0 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 1 236,1 млрд сўмни (7,4 фоизни) ташкил қилган. 2023 йилда 1,7 мингта ҳолатда акциз солиғига 10,3 млрд сўмлик тўловлар амалга оширилган ва кейинги ойларда қайтариб берилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 8 та корхона томонидан 1,1 млрд сўм акциз солиғи тўлови амалга оширилган. Акциз солиғининг йиғилувчанлик даражаси 2023 йилда 87,3 фоизни ташкил этган.

Солиқ кодексининг 2891, 2892, 2893 -моддаларига асосан 8 турдаги тамаки маҳсулотлари учун, 4 турдаги алкоголь маҳсулотлари учун, 6 турдаги нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматлар учун солиқ ставкалари белгиланган. Бироқ, солиқ органларида 16 турдаги акциз ости товарларнинг ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмлари, ҳисобланиши лозим бўлган ва ҳақиқатда ҳисобланган солиқ суммалари юзасидан таҳлилий ҳисботлар юритилмасдан келинмоқда.

Жумладан: - “Asl belgisi” Миллий ахборот тизимида маркировка кодларини шакллантириб бериш ишларидан ташқари, тизимни такомиллаштириш, ҳисботларни тўғри юритиш ва шубҳали ҳолатлар түғрисида солиқ идораларига ахборот бериш каби вазифалар бажарилмаганлиги;

- ахборот тизими маълумотлари асосида таҳлил ва назорат ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, солиқ органларига тизимдаги маълумотлардан тўлақонли ва эркин фойдаланишга техник имконият яратилмаганлиги;


- мажбурий рақамли маркировкалаш талаби жорий қилинган маҳсулотларни реализация қилувчи субъектларнинг бор-йўғи 42 фоизи қамраб олинганлиги;

- истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва айланмаси ҳажмини онлайн ҳисобга олиш ахборот тизими яратилмаганлиги аниқланиб уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тақдим этилган.

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2023 йилда 83,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2022-2022 йилга нисбатан 11,9 трлн сўмга ёки 16,7 фоизга ошган. Шундан:

Кўшилган қиймат солиғи – 57,9 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 5,7 трлн сўмга ёки 10,9 фоизга ошган);

Акциз солиғи – 15,8 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 2,4 трлн сўмга ёки 17,7 фоизга ошган); Божхона божи – 9,6 трлн сўм (2022 йилга нисбатан 3,9 трлн сўмга ёки 67,2 фоизга ошган).



1-расм. Ўзбекистонда 2023 йиллар билвосита солиқлар турлари бўйича тушумла билвосита солиқлар турлари бўйича тушумлар

Ўзбекистонда 2023 йилда акциз солиғи тушумлари 15,8 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилги тушумларга нисбатан 2,4 трлн сўмга ёки 17,7 фоизга ошган.

2023 йил давомида солиқ органлари томонидан йифилган акциз солиғи тушумлари 15,1 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 2,1 трлн сўмга ёки 15,7 фоизга кўпайган. Божхона органлари маъмурчилигига акциз солиғи тушумлари 701,4 млрд сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 323,6 млрд сўмга ошган.

Акциз солиғи тушумлари 2023 йилда қўйидагида кўринишда бўлган:

- алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотлари билан бирга) – 1,9 трлн сўм (2022 йил – 1,5 трлн сўм);
- тамаки маҳсулотлари – 2,3 трлн сўм (2022 йил – 2,0 трлн сўм);
- нефт маҳсулотлари – 278,6 млрд сўм (2022 йил – 572,5 млрд сўм);
- табиий газ – 5,5 трлн сўм (2022 йил – 4,2 трлн сўм);
- полиэтилен грануласи – 215,0 млрд сўм (2022 йил – 251,4 млрд сўм);
- мобил алоқа хизматлари – 974,9 млрд сўм (2022 йил – 868,0 млрд сўм);
- бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи – 3,6 трлн сўм (2022 йил – 3,4 трлн сўм).

2023 йил 1 марта 2023 йил 31 декабрга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар учун акциз солиғининг “ноль” ставкаси белгиланиши ҳисобига 2023 йилда нефть маҳсулотларидан акциз солиғи тушумини 293,9 млрд сўмга камайишига

сабаб бўлган. Полиэтилен гранулаларининг 2023 йилдаги реализация ҳажми 2022 йилга нисбатан пасайганлиги сабабли мазкур товар бўйича акциз солиғи тушуми 36,4 млрд сўмга камайган.

2023 йил якунига кўра республикада 552,4 минг тонна газ конденсати қазиб олинган, 407,6 минг тонна газ конденсати 2,6 трлн сўмга импорт қилинган (1 кг нархи ўртacha 6,5 млн сўмдан). 2024 йил январь-май ойларида 244,8 минг тонна газ конденсати қазиб олинган, 130,1 минг тонна газ конденсати 1,0 трлн сўмга импорт қилинган (1 кг нархи ўртacha 7,9 млн сўмдан). 2022 йил 1 январдан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси табиий газга 3 баробар (30%), нефть (20%) ва газ конденсатига (20%) 2 баробар камайтирилиб ягона 10% қилиб белгиланди (2022 йилда бюджетга 538,1 миллиард сўм кам солиқ тушган). Россияда 1 тонна учун 66 рубль, Украинада 0% акциз солиғи жорий қилинган. Саудия Арабистонида қазиб олинган ёки қайта ишланган маҳсулотлар ҳажмига қараб 50% дан 85% гача, БААда 9% корпоратив даромад солиғи тўланади.

Бугунги кунда, маҳаллий ишлаб чиқарилган 1 кути филтрли сигаретларнинг чакана нархи ўртacha 16 500 сўмни ташкил қилиб, ушбу нарх таркибидаги акциз солиғи 5 717 сўмни ёки 35 % ни ташкил қиласди. Бу эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан 2 баробар кам кўрсаткич. Халқаро валюта жамғармаси эксперtlари томонидан 12-22 апрель кунлари ўтказилган миссия якуни бўйича тақдим этилган.

Шунингдек, ЖСТ талаби бўйича импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарлар учун акциз солиғи ставкалари бир хил бўлиши лозим. Шунингдек, "UZBAT" АЖнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига 2024 йил 23 апрелдаги мурожаатида 2025 йил 1 январдан филтрли сигаретлар учун акциз солиғининг қатъий ставкаларини 1000 донаси учун 313 000 сўмга ошириш ва адвалор ставкани бекор қилиш таклиф этилган. Жамият томонидан 2023 йилда қиймати 2,4 трлн сўмлик 9 154 млн дона, 2024 йил 6 ойда 1,4 трлн сўмлик 5 085 млн дона сигаретлар сотилган. 2023 йилда жами 2,3 трлн сўм (қатъий ставкада 2 033 млрд сўм, адвалор ставкада 245 млрд сўм), 2024 йил 6 ойда 1,4 трлн сўм (қатъий ставкада 1 275,0 млрд сўм, адвалор ставкада 146,0 млрд сўм) акциз солиғи ҳисобланган. Агар "UZBAT" АЖнинг солиқ ставкалари бўйича таклифлари инобатга олинса, қатъий ставка миқдори амалдаги ставкалардан 25 фоизга ортиб, 2023 йилдаги ҳажмларда 832 млрд сўм (41%), 2024 йил 6 ойдаги ҳажмларда 108 млрд сўм (25%) солиқ тушумлари кўпайиши мумкин.

Корхоналар томонидан табиий газ импорт қилишда ҳам, импорт қилинган газни реализация қилишда ҳам акциз солиғи тўланмаяпти. Ваҳоланки, импорт қилинган табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишда қўлланиладиган таърифларда акциз солиғи суммаси киритилган. Мазкур акциз солиғи суммаси истеъмолчилар томонидан тўланиб, бюджетга тўланмасдан қолмоқда. Бунинг ҳисобига бюджетга 1 327,5 млрд сўм акциз солиғи йўқотилди. Республика бўйича 2023 йил 6 ойда 2 312,7 млн куб м газ импорт қилинган бўлса, 2024 йилнинг мос даврида 5 242,6 млн куб.м.ни ташкил этиб, 2,2 бараварга ошган.

Ички бозорда газ ҳажми 2024 йил 1 ярим йилликда (16 831,5) 2023 йил мос даврига нисбатан (18 846,9) 2 015,3 млн куб (10,7%) камайган. Амалиётда солиқ органлари томонидан импорт қилинган газ ва ички борзорда ишлаб чиқарилган газ реализация қилинганлигини аниқлашнинг умуман имконияти мавжуд эмас ва бунинг ҳисобига солиқ маъмурчилигида муаммолар сақланиб қолинмоқда. Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига асосан импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарлар учун акциз солиғи ставкалари бир хил бўлиши лозим. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кўриб чиқилаётганлиги сабабли ушбу таклиф киритилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 июнданги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги түғрисидаги умумий техник регламент"нинг 38-бандида, Алкоголсиз ичимликлар қадоқнинг бутунлиги ёки қадоқни беркитган мосламанинг сезилмас тарзда бузилиши эҳтимолини истисно қиласиган тарзда қадоқланиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Яъни Алкоголсиз ичимликлар фақат қадоқланган ҳолда сотилиши шартлиги, бошқача ҳолатда сотиш таъкиқланганлиги кўрсатилган. Шунинг учун, СКнинг СК-289-3-моддасида истеъмол қадоғига қадоқланган деган сўзларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

"Бектемир-спирт экспериментал заводи" АЖ томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 2023 йил 15 февралда юборилган 01-44-сонли хатида корхонада "дон дистилляти" ишлаб чиқарилаётгани ва ушбу маҳсулотнинг акциз солиғига тортилиши (тортилмаслиги) юзасидан тушунтириш бериш сўралган. Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликда "дон дистилляти" маҳсулотига акциз солиғи ҳисобланниши белгиланмаган. Технологик нуқтаи-назардан ректификатсия ва дистилляция усувларининг иккаласида ҳам якунда этил спирти маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Хулоса ва таклифлар.

Амалдаги қонунчиликда Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификатсияланган этил спирти, ректификатсияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси учун акциз солиғи ҳисобланади.

Ушбу маҳсулотга ҳам акциз солиғи жорий этилиши билан сифатсиз бўлган дон дистилляти ишлаб чиқариш назоратга олинади ва хуфиёна иқтисодиётга барҳам берилади. Дастребаки ҳисоб-китобга кўра ушбу маҳсулотга акциз солиғи жорий этилиши натижасида бюджетга қўшимча 39,6 млрд.сўм солиқ тушум таъминланади.

Солиқ кодексининг-289-3-моддасига таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар бўлган, газланган ҳамда истеъмол қадоғига қадоқланган ичимликлар қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу таклиф билан умумовқатланиш ёки савдо корхоналарида кўп учраётган "КОКА КОЛА" ва "ПЕПСИ"дан олинган сироп маҳсулотларини маҳсус ускуна орқали сув билан аралаштириб газланган ҳолда бир марталик стаканларга қуйиб сотиш амалиётида акциз солиғи ҳисобланниши юзасидан тушунмовчиликларга барҳам берилади.

Адабиётлар:

Delipalla, S. (2009). Commodity tax structure and informal activity. *Bulletin of Economic Research*, 61(3), 283-294.

Giles, D. E., Tedds, L. M., & Werkneh, G. (2002). The Canadian underground and measured economies: Granger causality results. *Applied Economics*, 34(18), 2347-2352.

Hai, O. T., & See, L. M. (2011). Behavioral intention of tax non-compliance among sole-proprietors in Malaysia. *International Journal of Business and Social Science*, 2(6), 142-152.

Боровко Л.В. (2012) Формирование социально-ориентированной модели акцизного налогообложения и эффективность её развития. // Проблемы экономики и юридической практики, № 6, с. 71-75.

Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. (2021) Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента. // Иқтисодиёт ва таълим, № 3, с. 96-103.

Каширина, М. В. (2017) Проблемы уплаты акцизов на алкогольную продукцию в России / М. В. Каширина, Б. Б. Ташполатова // Московский экономический журнал. - № 5. - С. 32.

Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. (1991) Абсолютистская бюрократия и французское общество. -М.: «Наука», С.90

Тегетаева О.Р. (2016) К проблемам реформы акцизного налогообложения. // Налоговый менеджмент. № 6. С. 23-27.

Троянская М.А., Низамиева Ю.О. (2013) Совершенствование акцизного налогообложения как инструмента налогового регулирования. // Бизнес в законе, № 8, с. 121.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- (2020) Тошкент: Гафур Гулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.